

# ЙЎЛЛАРДА ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК

Жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2022 йил 21 октябрдаги ҳукмига кўра фуқаро А.Б.ни (исми шарифи ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топиш ҳақидаги жиноят иши кўриб чиқилди.

Унга кўра, судланувчи А.Б.2022 йил 2 июль куни соат 21-55 ларда фуқаро Б.Б.ни номига расмийлаштирилган “Кобальт” русумли, 75S 000 NA (рақами ўзгартирилган) давлат рақамли автомашинани Узун тумани “Серҳаракат” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4P-108A-автомобиль йўлидан бошқариб бораётиб, ушбу йўлнинг 116-километрида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандидаги “Йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари керак”, 77-банди 3-қисмидаги “Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларига зид равишда ҳаракатланиб, йўналиши бўйича йўлнинг чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган 16.02.2014 йилда туғилган вояга етмаган В.В.ни (исм шарифи ўзгартирилган) автомашинанинг ўнг олд томони билан уриб юборган.

Натижада вояга етмаган В.В. ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳатлари олиб ҳодиса жойида вафот этган.

Суд томонидан судланувчи А.Б.ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топиб, унга нисбатан тегишли жазо чораси қўлланилди.

Аммо шуни унутмаслигимиз керакки вафот этган шахсни ҳеч ким ҳаётга қайтара олмайди. Айбдор суд тайинлаган жазодан ташқари бир умр виждон азобида, вафот этган шахсни яқин қариндошлари бир умр айрилиқ азобида қийналишади.

Шунга кўра, шошилаётган жойимизга бироз кечиксак ҳам агар пиёда бўлсак йўлни кесиб ўтаётганда, ҳайдовчи бўлсак тезликни оширмасдан хушёр ҳолатда эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишимиз лозим бўлади.

**ЖИБ Узун туман судининг**

**девонхона мудир**

**Д.Тангирқулов**